

МИЛЛИЙ ҒОЯ ВА УНИНГ СТРАТЕГИК МОҲИЯТИ

Анвар Қодиров

Алфраганус университети профессори

Собиқ мустабид совет тузуми ўта мафкуравийлашганлиги билан характерланар эди. Давлат мафкураси шахс ва ижтимоий ҳаётнинг барча жабҳаларини камраб олар, ҳар қандай индивудуал, шахсий ташаббусни бўғиб ташлар эди. Буни собиқ тузум мафкура воситасида амалга оширар эди. Мафкура давлат сиёсатининг муҳим атрибутига айланди(2.76).. Бу Х1Х аср бошларида дастлаб Наполеон Франциясида куртак ёзди. “Мафкура” тушунчаси 1807-8 йилларда муомалага киритилди. Бунда йирик иқтисодчи ва жамоат арбоби Дестюрт де Трасининг хизматлари катта бўлган. “Мафкура” (русча “идеология”) деганда жамият ҳаётини ташкил этиш ва бошқаришнинг иқтисодий, сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий принциплари мажмуаси тушуниланган. Кейинчалик бу тушунча стратегик аҳамият касб эта бошлаган(1.7). Айниқса ХХ асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб у ҳатто икки сиёсий тизим (капитализм ва социализм) ўртасида мурасасиз ғоявий кураш воситасига айланди. Бу “совуқ уруш” шаклида кечди.

ХХ аср охирига келиб СССР деган мафкуралашган давлат барҳам топди, мафкура, “цензура” аталмиш филтр ҳам йўқ бўлди. Жамият эркинлиги, демократия учун ҳеч қандай мафкурага эҳтиёж қолмагандек кўринди. Бироқ миллий мустақилликнинг дастлабки йиллари шуни кўрсатдики, жамият танлаган демократик тараққиёт йўли муайян ғоявий асосларсиз хавф остида қолиши мумкин экан. Зеро, жамиятда дунёвий, демократик тараққиёт тарафдорлари билан бир қаторда диний жамият тарафдорлари ҳам мавжуд эканлиги маълум бўлди(3.21). Айниқса мустақил, ёш давлат ички ишларига турли халқаро диний-экстремистик кучларининг аралашуви, халқ танлаган дунёвий тараққиёт йўлини диний тараққиёт ўзанига буриб юборишга қаратилган очикдан очик ҳаракатлар жамиятда ғоявий иммунитетга эҳтиёж мавжудлигини исботлади(3.). Бу таҳдидни мамлакат сиёсий етакчиси англаб етди ва деидеологизация тенденциясига барҳам бериш ва миллий мустақиллик мафкурасини яратиш ташаббуси билан чиқди.

Муайян мафкурасиз жамият маънавий қуролсизланиши, миллий мустақилликни бой бериши мумкинлиги аён бўлди. Бунинг сабаби жамиятда мафкуравий бўшлиқ юзага келганлиги, ёт мафкуравий таъсирларга бардош берувчи ғоявий қалқоннинг мавжуд эмаслигида, деган хулосага келинди.

Мафкура ғоялар тизимидан иборат. Айрим ғоялар мафкуравий мақомга ҳам эришади. Масалан, фашизм, ўтакетган миллитчилик ғояси кейинчалик мафкура

даражасига эга бўлди. “Ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат” шиорининг пайдо булиши мафкуравий аҳамият касб этганлигининг боиси ҳам шунда. Ғоя стратегик аҳамият ҳам касб этиши мумкин. Бу хусусда гапиришдан аввал “Стратегия” тушунчасининг келиб чиқиши ва мазмун- моҳияти хусусида тўхташ лозим.

“Стратегия” тушунчаси милoddан аввал Қадимги Хитойда 6-асрда яшаган мутафаккир Сунь Цзы номи билан боглиқ. Бугунга келиб у бениҳоят оммалашди- стратегик режалаштириш, стратегик башорат, стратегик тахлил ва х.к. мазмун ва контекстда ишлатилади. Айниқса ҳарбий соҳада у асосий ҳарбий-услубий тадбирлар мажмуаси маъносида ишлатилади. Сунь Цзы стратегияни ҳарбий маънода ишлатиб, уни тактикадан айри холда карамаган. Мутафаккирнинг инсоният тарихида килган ҳизмати шундаки, у “soft power”, яъни “юмшок куч” стратегиясига асос солган. Ушбу стратегиянинг афзаллиги шунда эдики, у жисмоний, моддий таъсирларни истисно этади, улар ўрнига маънавий таъсирлардан унумли фойдаланишни тавсия қилади.

Шу маънода юртимизда миллий мустакилликнинг дастлабки йилларида бош кўтарган диний-экстремистик ғояларга қарши “Ғояга қарши ғоя, жаҳолатга қарши маърифат” парадигмасининг илгари сурилиши ҳам бежиз эмас эди. “Юмшок куч” стратегиясининг афзаллиги шундаки, у воситасида ҳеч қандай ҳарбий тадбирларсиз рақибни маҳв этиш мумкин булади, ғалабага қон тукишсиз эришилади, у “қаттиқ куч” стратегиясини истисно қилади. “Юмшок куч” геосиёсий стратегияси ХХI асрга келиб бениҳоят оммалашди- жаҳонда оммавий-коммуникация технологияларининг тез ривожланиши йирик давлатлар томонидан моддий ресурслар учун у ёки бу давлатга очикдан очик агрессия қилиш имкониятини йўққа чиқаради, мақсадга ошқорона эриша олмайди. Улар бу шароитда кичик, ривожланаётган давлатларга “таълимга ёрдамлашиш”, “демократиялашувга кўмаклашиш” ниқоби остида турли хайрия тадбирларидан ташқари халқаро грантлар, стипендиялар, кўрик-танловлар воситасида ҳориж мамлакатга нисбатан хайрихоҳлик туйғусини шакллантирадилар. Юмшок куч стратегияси турли миссионерлик ташкилотлари томонидан ҳам олиб борилиб, айрим ночор ҳаёт кечиришга мажбур фуқароларни хатто ўз диний эътиқодидан кечишга ва бошқа диний эътиқодни қабул қилишга ундайдилар.

Бундай стратегия орқасида муайян стратегик мақсадлар яширинганлигига шубҳа йўқ- халқ мақолида айтилганидек “текин пишлоқ фақат сичқон қолпқони” да бўлиши мумкин.

Миллий ғоя масаласига келсак, у яхлит, ихчам ва сермазмун бўлиши лозим. Шу маънода “Озод ва обод ҳаёт, эркин ва фаровон ҳаёт” миллий ғоянинг мақсади эмас, балки унга эришишнинг воситасидир (4. 35). Ўзбекистонда миллий мафкура ва миллий ғоя парадигмасининг оммалашмаётганлигининг сабаби ҳам

ягона,интеграллашган сиёсий гоёнинг шаклланмаганлигидир. Зеро,хал қандай тушунча гоё бўла олмайди. Тушунча бошқа ва гоё бошқа.Гоё битта бўлиши шарт.Масалан,”демократия” гоёдир.”Либерализм” ҳам гоёдир(1.).Бирок улар турли шаклда бўлиши мумкин.Шу маънода халқни бирлаштирадиган,уштирадиган,аниқ бир мақсадга оммани йўналтиришга кодир гоёга эҳтиёж сезилади. “Ғарбона” ва “Шарқона” демократия дегани ҳам ғирт бемаъниликдир- демократия ё бор бўлади,ё йўқ бўлади,шимолий ёхуд жанубий демократия дегани ҳам фақат сўз ўйинидир.Партия яккахокимлик мафкурасига асосланган,тоталитар совет тузуми ҳам “жаҳонда демократия намунаси”деб ҳисобланар эди. Ушбу мулоҳазалардан кўзланган мақсад халқимизни чалғитмаслик ва уни мавҳум томонга эмас аниқ ва реал воқеъликка йўналтиришдир.Давлат сиёсатида концептуал ноаниқлик,муайян даражада мавҳумлик унга ишончсизлик,собик совет тузуми шароитида мавжуд бўлган давлат сиёсатида бефарқлик,эскапизм кайфиятларини шакллантиради.

Миллий гоё ягона,конкрет бўлишига тарихий мисоллар бисёр.Масалан,1942 йили фашистлар Германияси қшн Францияни ҳеч қандай қийинчиликсиз босиб олди.Бирок генерал де Голл француз халқини босқинчиликка қарши курашга даъват қилди ва “Қаршилиқ кўрсатиш” гоёсини олға сурди,халқ ушбу гоёни ўзига байроқ қилиб олиб фашист босқинчиларига қарши курашга киришди ва озодликка эришди. Хинд халқининг оташин фарзанди Мохандас Кармчанд Ганди эса Буюк Британия мустамлакачилик сиёсатида қарши ўзининг машҳур ёвузликка “қаршилиқ кўрсатма” гоёсини Хиндистон халқига инъом қилди ва қон тўкилишсиз уларни 1947 йили асрий орзу-миллий мустақилликка олиб чиқишга сабаб бўлди.

Ушбу мисоллар шундан далолат берадики,миллий гоё, демак, миллат гоёси халқнинг қалбига яқин,тушунарли,оддий,бирок сермазмун бўлиши керак.Шунингдек,у халқ орзусини акс эттириши керак.Ана шунда халқ ушбу гоёга эргашади,ушбу гоёни тантанаси учун жонини ҳам аямайди.Демак,миллий гоё халқ асрий орзусини ҳам акс эттириши лозим бўлади.

Ўзбекистонни 2026-2030 йилларга мўлжалланган тараққиёт стратегияси,унда белгиланган вазифалар линзада йиғилган каби бир нуқтада йиғилиши керак,шунда у муайян натижага олиб келиши мумкин. Хулоса шуки,мамлакат,давлат раҳбари битта,Ватан ҳам ягона,байроқ ҳам битта,герб ҳам,мадҳия ҳам битта бўлгани каби миллий гоё ҳам битта бўлмоғи шарт. Зеро, миллий гоё кўпмиллатли,кўпконфессияли жамиятни бирлаштирувчи,улар ўртасида ўзаро тотувлик ва ҳамжиҳатликни таъминловчи нафақат муҳим тушунча,балки уларни ўзаро якдиллигини таъминловчи гоёдир.Миллий гоё демократик табиатга эга бўлиб,мамлакатда яшовчи барча халқлар,элатлар ва диний эътиқод вакиллари ўзаро бирлаштирувчи маънавий қадриятдир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Генри Киссинжер. Мировой порядок. -М.: АКТ. 2022. 656 с.
2. Мухаммад Қуронов. Огохлик: тарих ва замон сабоклари. -Т.: Маънавият. 2015.
3. Иброхим Хўжамуродов. Юсуф Якубов. Ислом: жамият ва шахс. -Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ нашриёти. 2007. 112 б.
4. Жумабой Рахимов. Маънавият асослари. -Т.: ТДЮИ. 2008.
5. Мухаммад Қуронов. Огохлик: тарих ва замон сабоклари. -Маънавият. 2015. 112 б.